
Ҳамдардлик

Ўзбекистон туманининг атоқли фарзанди, истеъдодли киноактёр Машраб Кимсанов 69 ёшида, узоқ давом этган хасталиқдан сўнг бу ёруғ оламни тарк этди.

Машраб Кимсанов 1955 йил 17 август куни туғилган. 1976-1979 йилларда “Ўзбекфилм” киностудиясида режиссёр ассистенти бўлиб ишлаган. 1983 йилда “ВГИК”нинг актёрлик факултетини тамомлаган.

Таниқли актёр "Водиллик келин", "Оловли йўллар", "Отамдан қолган далалар", "Масхарабоз", "Умид", "Зебузар", "Ҳаёт мамот", "Ҳақиқий эркақлар ови", "Сехрли қалпоқча", "Онагинам орзуси" каби кўплаб филмларда эсда қоларли ролларни ижро этган. Шунингдек, ижодкор "Тоғлик куёв" филмининг постановкачи режиссёри ҳисобланади.

1999 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ва туман жамоатчилиги марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

2024-05-02 08:47:02